

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ ҚУТЛАНДИ

21-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Абдужалилова Мубинабонунинг Андижон вилояти Шаҳрихон туманида ўтказилган ментал арифметика бўйича олимпиадада фахрли 2-ўринни эгаллаб, Россия Федерациясида бўлиб ўтадиган халқаро олимпиадага йўлланмани қўлга киритгани ҳақида хабар берган эдик. Арифметика бўйича Олимпиада ғолибини табриклиш учун сектор раҳбарлари – ИИБ бошлиғи Х. Тошпўлатов, ДСИ бошлиғи А. Ахунов, туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари А.Худойқулов 21-мактабда бўлишди. Ғолиб ўқувчини туман ҳокимлиги, секторлар номидан табриклаб, совғалар топширишди. Туман халқ таълими бўлими мудири Ф. Юлдашев мактаб кутубхонасига “Ўзбекистон маданий мероси” китоблар тўпламининг беш жилдини топширди. Меҳмонлар ғолиб қизимизнинг синфдошларига ҳам яхши тилаклар билдирилар. Мубинабонуни Россия Федерациясида бўлиб ўтадиган халқаро олимпиадада юртимиз шарафини муносаб ҳимоя қилиб, олий ўринлар эгаллашини тиладилар. Учрашувда Мубинабонуга рақамларни қўшиш, айриш бўйича берган амалларини ўқувчи дарровда оғзаки бажариб, жавобини айтгани барчани қойил қолдирди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-03-29 17:40:33